



СССР УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

◆ 16 сентябрь 1970 йил, чоршанба

◆ № 216 (14.682). ◆ Баҳоси 2 тийин.

К.П.С.С.
Х.Х.И.В.
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

ТЕХНИКА
ШАРОФАТИ

БУХОРО [«Совет Ўзбекистони» муҳбири]. Бухоро районидagi ҳўжалиқлар машина термини қизитиб, областда энг юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Қуни кеча район пахтазорларида 120 дан ортиқ агрегат ишлади ва йиллик планнинг 2 проценти миқдоридagi ҳосил бункерлардан тўқилди. Карл Маркс номи, «Янги турмуш», «Бухоро», «Москва», «Ленинград» колхозлари машина теримда рекорд натижаларини қўлга киритяптилар. Карл Маркс номи колхозининг механик-ҳайдовчилари Ҳаким Азимов, Рауф

Розиков, «Бухоро» колхозининг механизатори Ҳамид Каримов ўртоқларининг ҳар бири «Ўзбекистон» машинасида қунига 12-14 тоннадан пахта теряпти. Улар мавсумда 250-300 тоннадан оқ олтинни пўлат этаклардан тўқиб учун курашмоқдалар.

Машина терими еваж олдириб юборилганидан кейин Карл Маркс номи колхозининг Чинни Отаева, Латиф Шарипов, «Ленинизм» колхозининг Карим Раҳимов, Фрунзе номи ҳўжалиқининг Вафо Бақоев ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳар гектар ердан 20-22 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планларини муваффақиятли бажардилар. Ялпи ҳосилнинг 75-80 проценти бункерлардан тўқилди. Ғолиб бригадалар ҳосилдорлигини 35-40 центнерга етказиш юзасидан қўшимча мажбурият олиб, қунига 4,5-5 процент миқдорда пахта териш ва тайёрлашга эришмоқдалар.

Т. НАЗИРОВ.

ҲАММА-ПАХТА ТЕРИМИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

«Пахтаорол» ва «Малик» совхозларининг тажрибаси асосида озуқа экинларини аралаштириб экишни кенг қўлланиш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети шу нарсани таъкидлади, республиканинг колхоз ва совхозларида кейинги йилларда озиқа экинларининг ҳосилдорлиги ошди, жамоат чорвачилиги учун барча турдаги озиқаларни етиштириш кўпайди. Бирок кўпчилик ҳўжалиқларда силос ва дон учун экирган маккажўхори, беда пичанининг ҳосилдорлиги ҳануз паст. 1969 йили республика совхозларида ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда янги 147 центнердан, колхозларда эса 226 центнердан маккажўхори кўпайди олинди. Кўпчилик ҳўжалиқларида ҳар гектар ердан олинатган беда пичанининг ўртача ҳосили 55-60 центнердан ошмайди.

Колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари озиқа экинларига ҳануз етарли эътибор бермаптилар, уларни кўп ҳолларда мелиоратив жикатдан, ноқулай бўлган, пахта колхезидан ташқаридаги ерларга экиптилар, маккажўхори ва бедага минерал ҳамда органик ўғитларни кам сояптилар, ана шу экинларни экиш планларини бажармаптилар, ҳосилини ўриб олишни ҳаддан ташқари кўзиб юбормоқдалар. Бу ҳоллар кўпинча тақдор экин экиш имкониятини бермапти. Озиқа экинларини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлаш даврида кўп миқдордаги озиқа нобуд бўляпти ва унинг сифати пасаймоқда. Буларнинг ҳаммаси республиканинг кўпчилик колхозлари ва совхозлари жамоат чорва молларини ва колхозчилар, ишчилар ҳамда хизматчиларнинг, шаксий қарамоғидаги чорва молларини озиқа билан таъминламасликка, сирлардан жуда кам сўт соғиб олишга, гўшт, жун ва бошқа хил чорвачилик маҳсулотларини кам етиштиришга олиб келмоқда. Ана шу ҳўжалиқларда меҳнат унумдорлиги паст, маҳсулотнинг таннархи ҳаддан ташқари қимбат.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қиллоқ ҳўжалиги олдинги чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш, жамоат чорва молларини ва колхозчилар, ишчилар ҳамда хизматчиларнинг шаксий қарамоғидаги молларни юқори сифатли озиқалар билан тўла таъминлаш вазифасини қўйди.

Илмий-тадқиқот муассасалари ўтказган тажрибалар ва илгор ҳўжалиқларининг амалий ишлари шундан далолат берадики, сугориладиган ерлардан эффективкор фойдаланишга озиқа етиштиришни 2-3 баравар кўпайтириш мумкин. Масалан, «Пахтаорол» ва «Малик» совхозлари қатор йиллар давомида маккажўхорини павлагига ва бедага, бедадан судан ўтига аралаштириб экиб келмоқдалар. Шунинг натижасида бў ҳўжалиқларда озиқа етиштириш кескин кўпайди ва шу асосда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йил сайин ошиб бормоқда.

«Пахтаорол» совхозида 1969 йили 13 гектар майдонга маккажўхори билан павлага аралаштирилиб экилди ва ҳар гектар ердан 322 центнердан думбўл сўтали маккажўхори ва 600 центнердан хашаки павлага ёки маккажўхорининг алғиз ўзи экилганидиги нисбатан 2,5 баравар кўп, яъни 172,4 центнердан озиқа берилди олинди. 1970 йили 45 гектар майдонга маккажўхори билан павлага аралаштириб 70х70 сантиметрли схемада экилди ва ана шу майдоннинг ҳар гектаридан колхозининг ўзидики 310 центнердан силосбоп маккажўхори олинди ва гектаридан яна 650 центнерга павлага олиш мўлжалланяпти.

Бу совхозда судан ўтига аралаштириб экилган бедадан кўкрат озиқа, олиш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришилди. 1969 йили 108 гектар майдонга экилган ана шу экинларнинг ҳар гектаридан 420 центнердан тўқимчилик даражаси юқори бўлган кўкрат озиқа олинди. 1970 йили эса 101 гектар майдонга аралаштириб экилган беда ва судан ўтининг ҳар гектаридан фақат икки ўриндан 332 центнердан кўкрат озиқа олинди. Ҳаммаси бўлиб эса ҳар гектар ердан 650-700 центнердан кўкрат озиқа олиш мўлжалланяпти. Совхозда ҳар гектар ерга 20 килограммдан беда уруғи 6-8 килограмм судан ўти уруғига аралаштириб экилган эди.

«Пахтаорол» совхозида сирлардан соғиб олинатган сутнинг миқдори ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги йил сайин ошмоқда. Кейинги уч йилда ҳар бир сирдан соғиб олинган сутнинг миқ-

дори 300 килограмм кўпайди ва 1970 йилда ҳамда 3000 килограммни ташкил этади. Совхоз эса умуман 39000 центнер сут етиштиради. Ҳўжаликда бу йил давлатга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 400 килограммни ташкил этади. Бу, 1967 йилдигига нисбатан 40 килограмм кўп.

«Малик» совхозида бу йил 35 гектар майдонга аралаштириб экилган экинларни парвариш қилишда илгор агротехникани қўлланиб, ҳар гектар ердан 440 центнердан силосбоп маккажўхори кўпайди олинди ва ана шу майдоннинг гектаридан яна 500-550 центнердан павлага олиш назарда тутилди. Бу ерда маккажўхори тоғ қаторлаб ва павлага 90 сантиметрли схема билан кенг қаторлаб экилди.

Бу совхозда ҳар бош сирдан 3400-3500 килограммдан сут олинапти. Ҳар бош қорамолнинг тирик вазни бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 700 граммдан кўпроқ ошмоқда, улар кинесия боқиб семиртирилганда эса бир кеча-кундузда 1100 граммга ошяпти. Давлатга топширилган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 550-570 килограммни ташкил этмоқда.

«Пахтаорол» ва «Малик» совхозлари ерга минерал ўғитларни оширилган норма билан солаётганликлари, экинни ўз вақтида қондириб сугорётганликлари, қатор фазаларини белгиланган муддатда юқори сифатли қилиб ишлаётганликлари тўғрисида силос учун экилган маккажўхори ва павлагидан юқори ҳосил олмақдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети озиқа экинларини аралаштириб экиб, чорвачилик учун озиқа етиштириш соҳасида қатъиян муваффақиятларга эришган «Пахтаорол» ва «Малик» совхозларининг тажрибасини маълумлашлар ва област ҳамда район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, област ва район ижтимоий комитетлари зиммасига оғиб олишнинг колхоз ва совхозларига «Пахтаорол» ва «Малик» совхозларининг тажрибасини кенг йиғиб, чорвачиликнинг озиқа осурларини анча кўпайтириш мақсадида 1971 йилда маккажўхорини павлага, маккажўхорини бедага ва бедадан судан ўтига аралаштириб экишни тавсия этиш мажбуриятини қўлади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги зиммасига республика колхоз ва совхозларини етарли миқдордаги юқори ширин хашаки павлага ва судан ўти уруғи билан таъминлаш, аралаш экинларни экишни амалга ошириш юзасидан зарур агротехника тавсиялари бериш ва аралаштириб экилган экинларни парвариш қилиш ҳамда ҳосилини ўриб-йиғиб олишга бағишланган плакатлар нашр этиш мажбуриятини қўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ҳамда «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси зиммасига аралаштириб экиладиган озиқа экинларига солиш учун ҳар йили талаб этилган миқдорда азотли ва фосфорли ўғитлар оқоатиш мажбуриятини қўлади. «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига «Пахтаорол» ва «Малик» совхозларида қўлланилган технологияга биноан ҳўжалиқларнинг озиқа экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олиш техникасига бўла-табанин аниқлаш ва ана шу техникани республикага зарур миқдорда келтириш тақдир этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари озиқа экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан оқоанал фойдаланиш юзасидан зарур чоралар кўчишлари, жамоат чорвачилиги учун қўшимча озиқа етиштириш имконини, берадиган янги резеволарни қидириб топишлари лозим.

Республика ва област газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг телевидение ва радиодиффузия давлат комитети «Пахтаорол» ва «Малик» совхозлари ҳамда бошқа ҳўжалиқларнинг аралаштириб экиш йўли билан озиқа экинларидан юқори ҳосил олиш соҳасидаги тажрибасини кенг пропаганда қилиш топширилди.



4.400.000
ТОННА УЧУН

Республика област-лариди пахта тайёрлаш ва лебфондациянинг бориш тўғрисида 1970 йил 15 сентябрда бўлган

МАЪЛУМОТ
(Планга шоботан процент ҳисобида)

Областлар	Тошйиритилган пахта		Шу жумладан, машина терими		Дифференциация чилинган майдон (гектар) (ҳисобда)	Планнинг бажарилиш процент
	Бир кунда	Мавсум бўйлаб	Бир кунда	Мавсум бўйлаб		
Бухоро	3,52	41,83	2,45	14,46	97312	88,5
Қашқадарь	3,14	30,28	2,31	10,74	63121	121,4
Сурхондарь	1,74	14,98	0,85	2,67	72426	80,5
Хоразм	1,85	12,51	0,04	0,04	43613	87,2
Фарғона	1,45	10,97	0,01	0,01	17172	14,8
Андижон	1,66	10,86	0,03	0,04	15661	16,1
ҚК АССР	1,51	10,71	—	—	69911	69,9
Наманган	1,20	7,45	0,15	0,29	15570	23,6
Тошкент	1,03	4,32	0,58	1,24	136884	97,8
Самарқанд	0,83	3,64	0,01	0,03	26037	24,3
Сирдарь	0,40	1,70	0,11	0,22	208559	97,5
Республика бўйича:	1,57	12,56	0,45	1,89	766266	67,1
Шу жумладан илгична тоғали пахта:	—	—	—	—	—	—
Сурхондарь	2,02	21,77	—	—	—	—
Қашқадарь	2,06	19,40	—	—	—	—
Бухоро	0,62	8,20	—	—	—	—
Республика бўйича:	1,76	18,64	—	—	—	—

ОБЛАСТЛАРНИНГ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ
ЮЗАСИДАН ОЛГАН
МАЖБУРИЯТЛАРИ

СИРДАРЕ ОБЛАСТИ — 550 МИНГ ТОННА;	СУРХОНДАРЕ ОБЛАСТИ — 375 МИНГ ТОННА;
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ — 500 МИНГ ТОННА;	НАМАНГАН ОБЛАСТИ — 370 МИНГ ТОННА;
АНДИЖОН ОБЛАСТИ — 500 МИНГ ТОННА;	ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ — 368 МИНГ ТОННА;
БУХОРО ОБЛАСТИ — 435 МИНГ ТОННА;	ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР — 325 МИНГ ТОННА;
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ — 425 МИНГ ТОННА;	ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТИ — 300 МИНГ ТОННА;
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ — 380 МИНГ ТОННА;	



КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК
МУСОБАРАНИ ҚИЗТАЙЛИК

ҚЎЛИ ГУЛ ИШЧИЛАР

Мақтанаш эмаску, ўзимдан қибс. Ишлаб чиқаришни таъминлаш ағирмай туриб, сермеҳнат ишларини техниканинг елкасига ортмай туриб олдинки силжис жуфта қилин экен. Мен шу завод даргоҳида ўсдим улғайдим.

Бир кун пахта тайёрлаш трестидagi йиғилишда иштирок этишга тўғри келган эди. Ҳали-ҳали эсимда Ишлаб чиқарилаётган момакиннинг сифатсизлиги ва чилгиди кўллаб момак қилиб кетганини турғибда завод раҳбарлари роса гап шикан эди. Мен афратидида қилардим-да!

Заводга келибкок бир нарсасида беш қотирдим. Момак чилгидида нормаладиган қилиб афратидида олинапти. Аммо ҳамма қилат бошқиди эди. Момакнинг қўлчилик қисми ҳавога учиб, чилгидида қилиб кетмоқда эди. Ҳавога учиб кетаятган момакларни ва нағларни ушлаб қолувчи циклонлар ёнига қўшимча агрегатлар уратилгига бўлмайди! Ахир, ички имонийат деймиз, бу имонийат эҳсоси!

Момак афратидида машиналар-

нинг арриси 24 соатдан кейин алмаштирилади. Ҳар 24 соатда аррининг алмаштирилиши ишчининг қўлини тўтиб қолмайди! Тутди. Машина ва агрегатлар қоронвини яхши йўлга қўйиш оқили арра алмаштириш муддатини 40 соатга етказилган.

Ҳозир заводимизнинг пешкада ишчилари шу тажрибани қўллашяпти. Унинг самараси эса қўшимча қувватдир. Ўш қилор санат қорхонаси коллективларининг партияизмининг бўлахақ съездини муносиб қўтиб олиш юзасидан «оширилган мажбурият олиб бошлаган ташаббуслари андижонлик ишчилар қалбидида ҳам акс-судо бермоқда. Жумладан мен ўзим йил охиригача планга қўшимча 200 тонна момак ишлаб чиқариш мажбуриятини олдим.

Айни шу кунларда биз пахта тозаловчилар олдиди катта масъулиятли давр турибди. Биз беш йилликнинг сўнгги йили ҳосилини қабул қилиб олишимиз, афайлаш сақлашимиз, уни қайта ишлаш-чиз керак. Коллективимиз шундай сиродан ўтиш учун ишга ки-

ришди. Барча тайёрлов пунктларининг қўшимча қўриш агрегатлари ўрнатилди. Заводда республикеда биринчи марта янги «2 СБ» марка қўриш агрегатининг монтаж тўғиллади. У ҳар қандай вазиятдаги пахтани қўришга бера олади.

Умуман омонат даврида ишчиларнинг унумли ишлашини таъминлайдиган қатор тадбирларни илчиллик билан амалга ошириш Чинкидини қайта ишлаб берувчи янги цех завод ишчиларининг ташаббуси билан қурилди. Бунинг афзалиги тўғрисида қорхонамиз йилига 50 минг сўм маблагни тежаб қоляпти.

Коллективимиз саккиз ойлик планни ортириб адо этди. Энди бутун куч ва имкониятларни съездга муносиб армуғон тайёрлашга қаратди. Съезд шарафига оширилган мажбурият қабул қилинди. Маҳсулотни реализация қилиш беш йиллик планни 15 нозбгача бажарамиз.

Биз ўт зиммамизга олган мажбуриятларни бажариш учун ҳар бир ишчининг ташаббускорлигини оширишга ҳакамият берилди. Ҳаммасларидан Раҳимжон Тоҳиримов, Валиков Сулаймонов, Ҳалижон Акбаров қабилар шаксий намуна кўрсатиб ишлашяптилар.

Ойимжон РАҲМОНОВА, Андижон областидagi Ленинск пахта тозалаш заводининг момак афратидида, Социалистик Меҳнат Қазармони.

МАШИНАДА
ҚИМ ҚАНГА
ПАХТА ТЕРДИ?

Шоймардон ҚУДРАТОВ,
Сурхондарь области,
Ғагарин районидagi
«Советобод» совхозининг
механик-ҳайдовчиси
150 тонна.

Ахмад ҲАМРОЕВ,
Бухоро области Ромитан
районидagi «Ромитан»
совхозининг механик-
ҳайдовчиси.
119 тонна.

Нурназар НОРОВ,
Бухоро области Ромитан
районидagi «Ромитан»
совхозининг механик-
ҳайдовчиси.
112 тонна.

Мавлон НИЕЗОВ,
Бухоро области Ромитан
районидagi «Октябрь»
50 йиллиги совхозининг
механик-ҳайдовчиси.
107 тонна.

Берди МАВЛОНОВ,
Бухоро области Ромитан
районидagi «Ромитан»
совхозининг механик-
ҳайдовчиси.
103 тонна.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС
XXIV
СЪЕЗДИ
ШАРАФИГА

ЯНГИ МАРРАЛАРНИ
ЭГГАЛЛАЙМИЗ

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИГИЛИШЛАРИ

АНДИЖОН, САМАРҚАНД, НАМАНГАН, ФАРҒОНА, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР, ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВЛАРИНИНГ ЙИГИЛИШЛАРИ БЎЛИБ УТДИ. КОММУНИСТЛАР ШОНЛИ ПАРТИЯМИЗ XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА БУ ЙИЛ ПАХТА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ҚУТАРИБ, ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГГАЛЛАШГА АҲД ҚИЛГАНЛИКЛАРИНИ БИЛДИРДИЛАР. 4.400.000 ТОННАЛИК УЛКАН ХИРМОНГА УЗЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИНИ ҚУШИШ УЧУН ЯНГИ МАЖБУРИЯТ БЕЛГИЛАДИЛАР.

У Л К А Н
ВАЗИФЛАЛАР

Фарғона — совет пахтачилиги тарихига зарар халфлар билан битса арзғуллик ажойиб ишлар қилган, миришкор пахтакорлар ватани. Мамажон ота Тошматов, Медикун Умрзоқов сингари пахта усталарининг номи бутун республикада машҳур. Хозирда аса Фарғонанинг Қурбон Кенжаев, Юнусали Иброҳимов сингари фидокор даргалари борди, улар ҳар қандай ишларни амалга оширишга қодир.

Кўни кеча Фарғонада бўлиб ўтган область партия активининг йиғилишининг қатнашчилари кун тартибидagi асосий масалани — республика партия активининг йиғилишининг якуини ва КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан область партия ташкилотининг вазифаларини муҳофиза қилар эканлар, юқоридagi фикрни ўртага ташидилар. Обкомнинг буюричи секретари Ф. И. Памидинов докладда ҳам, музокарада сўзга чиққан Киров район партия комитетининг биринчи секретари У. Бегматов, Ўзбекистон район иқроия комитетининг раиси Э. Қолиров, Ленинград районидagi «Комсомол» колхозининг раиси С. Ханжов, Ўзбекистон районидagi Охунбобоев номи совхоз партия комитетининг секретари Т. Ёқубов ва бошқа ўртоқларнинг нутқларида ҳам шу нарса таъкидландики, бутун меҳнат аҳлининг фидокорона меҳнати туфайли, техник ва фан ютуқларидан самарали фойдаланиш натижасида бешоғай даладарда мўл ҳосил тулдилади.

Бутун меҳнат аҳли партия XXIV съезди шарафига ўз зиммасига оғирлаган мажбуриятлар олиб ишламоқда. Аниқсика, Ўзбекистон партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг республика партия ташкилотини фаолиятига берган юксак баҳоси область пахтакорларининг янги марраларни эгаллашга руҳлантириб юборди.

Хўжаликларнинг коллективлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, бу йил олаб бўйича ярим миллион тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш мумкин деган ҳулосага келдилар. Хозир бутун қучқайрат пахтани тезроқ ва леснобид қилмай териб олиш, тайёрлов нуқталарига жўнаштишга сафарбар қилинган.

Шахарларнинг ва район марказларининг аҳолиси, қорхона ва муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари ҳам мамлакатга 4 миллион 400 минг тонна «оқ

олтин» етказиб беришдан иборат умумхалқ курашидан четда турганлар йўқ. Ўроқ ва болта иттифоқи кун сайин муштахдамдаммоқда. Революция бешини — Ленинградги Киров номи завод билан Қува районидagi «Социализм» колхозини ўртасидagi дўстлик алоқалари ҳаммамизга маълум. Биринчи беш йилликлардаёқ ўрнатилган бу бўлимас дўстлик алоқалари эндиликда бошқа қорхона, хўжаликлар томонидан изчил давом эттирилмоқда. Фарғона нефтини қайта ишлаш заводидаги директор Р. Шохназаров партия активининг йиғилишида ана шулар ҳақида ўзини қилиб гапирди. У ўзи раҳбарлик қилганда қорхона коллективининг қишлоқ меҳнатчиларига бераётган ота-биз ердани ҳақида, Фарғона пахтасидagi бошқа қорхоналарнинг бу соҳада амалга ошираётган ишлари тўғрисида сўзлади.

Партия активининг йиғилиши қатнашчилари давлатга планда белгиланганидан 30 минг тонна кўп, яъни 500 минг тонна пахта етказиб беришнинг таъминлаш учун ҳозир амалдаги қишлоқларнинг ишлари таҳлил қилиб эканлар, асосий эътиборни йиғим-теримни бутун қоралар билан қилиб юбориш, машина теримига тайёргарликни нийҳосига етказишга қаратдилар. Облабда бу йил жами ҳосилининг ундан бир қисми машиналарда териб олиниши керак. Лекин шунга қарамай, бу ишга ҳали изчил киришилмаган. 14 сентябргача дефляция қилиниш лозим бўлган майдонларнинг 12 процентдан сал кўпрогинигина қор қоптилган. Бу аҳолида «зангори кема»га кенг иш майдони ажратиб бериш анча қийин кўчади. Шунингдек, пахта йиғим-теримда қатнашаётганларнинг иш унумини ошириш, уларга зарур маданий-маиший шaroитлар яратиб бериш, теримчи-граммчилар ҳаракатини ажл олдириш масалаларига катта эътибор бериш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Партия активининг йиғилишида меҳнат аҳлини юбилей йили марраларини эгаллашга сафарбар қилишда партия ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилди.

Партия активининг йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов қатнашди ва нутқ сўзлади.

А. МИРЗАЕВ,
А. ЭШОНОВ

Х О Р А З М:
380 МИНГ ТОННА

УРҒАНЧ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Давлатлик мажбурият — 360 минг тонна ўрнига бу йил она-Ватанга 380 минг тонна пахта етказиб берамиз. Юксак социалистик мажбуриятни 7 ноябргача бажарамиз.

Хоразм область партия активининг йиғилиши ана шундай шoр остида ўтди. Облаб партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов республика партия активининг йиғилиши якуини, область хўжалик планлари ҳақида КПСС XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ахборот берди. Нотиқ республика партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика совет ташкилотлари фаолиятига юксак баҳо берганини, республика меҳнатчилари олдига турган сийси, хўжалик вазифаларини аниқ кўрсатиб ўтганлигини таъкидлади. Бу вазифаларни амалга ошириш соҳасида Хоразм областида ҳам катта ишлар олиб борилди. Хоразмликлар юбилей йилида мамлакатга 380 минг тонна пахта етказиб бериш ва КПСС XXIV съездини муносиб соғва билан кутиб олишга астойдил курашмоқдалар. Янгириқ, Шовот районларида пахта тайёрлаш кундан-кунга қучайтирилмоқда. Илгор хўжаликлар йиллик планнинг 2,5-3 проценти миқдорда пахта терилдилар.

Машина терими эрта-индин бошлаб юборилди. Лекин пахта тайёрлаш суръати ҳозир мавжуд имкониятлар даражасида эмас. Гулран ва Хазорас районлари йиғим-теримда орада қолаётдилар. Мавжуд куч-имкониятлар пахта теримига қаратилмоқ лозим. Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Набберганов терим кампанияси даврида шаҳарликлар ҳамма йилдигидек бу йил ҳам йилнинг ердан-кўрсатмоқлари. КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари талаби асосида ишлаб чиқариш қорхоналари, курилиш ва бошқа ташкилотлар қишлоқларга оталик ердами кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган лозимлиги ҳақида гапирди.

Хазорас районидagi Наровманов номи колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов машаъл хўжалигининг бу йилги марраси 45 центнер эканини, колхозчилар КПСС XXIV съезди шарафига йиллик планни 15 октябргача, мажбуриятни эса 7 ноябргача бажаришга аҳд қилганлигини айтиди. Шу кунларда пахта териш ва тайёрлаш суръатига сурият қўйилди. Шовот районидagi Чалов номи колхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи — СССР Олий Советининг депутаты Г. Раматов бу йил бажарилган, бу йил «Ўзбекистон» агрегати билан 300 тонна пахта тераман деди. Пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш теримчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Урганч район партия комитетининг секретари О. Латипжонов нутқи район пахтакорларининг бу йилги марраларини ва қишлоқ аҳолисини қудай турмуш шарoити яратиб беришга бағишланди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалли қатнашди ва сўзга чиқди. Партия активининг йиғилишида КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш ва юбилей йил юксак мажбуриятини шараф билан бажариш тадбирларини белгиланган қарор қабул қилди.

Ф. ЗОХИДОВ

СЪЕЗДГА АРМУҒОНИМИЗ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда Қорақалпоғистон область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Актив йиғилишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов республика партия активининг йиғилиши якуини ва область партия ташкилотини олдига турган вазифалар ҳақида доклад қилди. Партия активинида сўзга чиққан нотиқлар яқинда бўлиб ўтган республика партия активининг йиғилиши, унда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг иштирок этганини эър мамуният билан тилга олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон партия ташкилотини фаолиятига юксак баҳо бергани республика меҳнатчиларининг катта меҳнат зафарлари сари руҳлантириб юборди. Эндилкида ҳамма ерда ишлаб чиқариш коллективлари аввалги социалистик мажбуриятларини қараб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш юзасидан оширилган мажбуриятлар олишмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғам-хўрлиги туфайли Қорақалпоғистонда ҳалқ хўжалигини, саноат, фан ва техника, қишлоқ хўжалигини мисли қўрилмаган даражада ривожланмоқда.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида автоном республика саноатчилари планидан 11 миллион сўм кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар. Таҳитот ГРЭСи, Қўнғирот пахта тозалаш заводи, Нукус етиш заводи, мебель фабрикаси ва бошқа қатор қорхоналар коллективлари ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда. Шу йилнинг ўтган саккизи ойи мобайнида область саноатчилари планга қўшимча равишда 86 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар.

Автоном республика пахтакорлари эса беш йилликнинг тўртинчи йилида планидан 120 минг тонна кўп «оқ олтин» сотдилар ва қўнғирот районларининг колхоз ва совхозлари пахта етиштириш бўйича беш йиллик топириқларини бажариб қўйдилар. Автоном республика пахтакорлари беш йилликнинг сўнгги йилида 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган эдилар. Қорақалпоғистон далаларида ҳар қачонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Эндилкида хўжалик раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мухтаассислари, барча пахтакорлар Ўзбекистоннинг чамалаб кўриб йил бошида олинган социалистик мажбуриятга қўшимча 25 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, шундай қилиб ялпи ҳосилни 325 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Пахта йиғим-теримини тезлаштириш мақсадида область партия комитети ва автоном республика Министрлар Совети барча чора ва тадбирларни амалга оширмоқдалар. Автоном республика пахтакорлари пахта тайёрлаш планини 15-16 октябргача, қўшимча мажбуриятни 20 ноябргача бажариш тадбирларини кўрмоқдалар. Бунинг учун 15 сентябрдан теримчилар сони 100 минг кишига етказилди. Тез орада машина теримини яхши сменада бошлаб юбориш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб сентябрнинг охирида, октябр ойнанинг бошларида қар кунин йиллик планнинг 3,5-4 проценти миқдорда пахта тайёрланади.

Партия активининг йиғилишида сўзга чиққан Тўртқўл район партия комитетининг биринчи секретари Я. Қурбонов бундай деди:

Район пахтакорлари 65 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Теримда 14 минг киши қатнашмоқда. Теримчилар сони яқин кунлардан бошлаб 16 минг кишига етказилди. Пахта теримиде 250 та агрегат қатнашади. Шундай қилиб, ҳар кунин кўл билан, машиналарда 1100-1200 тоннадан пахта териб олишга эришамиз, планни 15 октябрда, мажбуриятни 7 ноябрда бажарамиз.

Шуманай районидagi Киров номи совхоз директори И. Айбониев совхоз коллективни 75-80 процент майдондаги пахтани «зангори кема»ларда териб олишга, бу йил она-Ватанга қандай 10 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилганини маълум қилди. Бундан ташқари партия активида Амударё районидagi Крупская номи колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты Ойим Камолова, Қўнғирот районидagi Чапас номи совхоз директори У. Қурбонжов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Автоном республика пахтакорлари, қорвадорлари беш йилликнинг сўнгги йилида қаҳрамонона меҳнат қилаётдилар, улар она-Ватанга 325 минг тонна «оқ олтин», 60 минг тонна шoли етказиб бериб, партия XXIV съездини муносиб кутиб оладилар.

Облаб партия активининг йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриелян қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, область партия активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг инструктори Н. Т. Калинин ҳам қатнашди.

МУНОСИБ ҲИССА

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда Самарқанд области партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Колхоз раислари, совхоз директорлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ҳамда область ва район раҳбар ходимлари иштирок этган актив йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев қатнашган республика партия активининг йиғилиши якуини ҳақидаги масалани муҳофиза қилди. Бу ҳақида Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Усмоновнинг доклади тингланди. Докладчи ва музокарада қатнашган ўртоқлар республиканин юбилей йилида мамлакатимизга 4 миллион 400 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятини муайянладилар. Облаб меҳнатчилари ана шу юксак мажбуриятни муносиб ҳисса қўшаётганлигини изҳор этдилар.

— Бу йил районимиз пахтакорлари — деди Нарпай район иқроия комитетининг раиси Т. Насриддинов, — қўнғирот об-ҳаво қийинчиликлари

ни мардонавор меҳнат билан енгиб, техникадан ва сувдан умумлаш фойдаланиб кенг майдонларда мўл-кўл ҳосил етиштирилди. Район меҳнатчилари беш йилликнинг якуини ҳақидаги катта мажбуриятлар олдилар. Хўжалиқларимиз далаларида етиштирилган ҳосилни чамалаб кўриб давлатга 75 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар. Бу — илгари олинган мажбуриятдан 5 минг тонна кўпдир. Йирик пахтакор хўжаликлардан ҳисобланган «Иттифоқ», «Пахтакор», Карл Маркс номи, Охунбобоев номи, Киров номи колхозлар ва бошқа қўшма хўжаликлар илгари мажбуриятларини ўзгартириб, ўз устларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Пастдарғом район партия комитетининг биринчи секретари У. Шоракжов, Бугунгур районидagi «Октябрь» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Н. Эсонтурдиев, Хатирчи районидagi «Заррафшон» совхозининг директори У. Тошев ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, юбилей йилида юксак мажбуриятлар олишганини айтиб ўтдилар.

Совхоз директори У. Тошев пахтани машинада теримнинг афзалликлари устида тўхталди. У айтиди, совхозимиз ҳар йил машина терими планини ошириб бажариб келади. Ўтган йили навсумда машина теримини ортиги билан ало этилди. Ҳосилни қисқа муддатда териб олиб давлатга сотдик. Натижада пахтани биринчи марта сотишга эришдик. Бугун 910 бу — илгари олинган мажбуриятдан 5810 тонна ўрнича давлатга 7 минг тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилдилар. Ҳозир даладарда ҳосилни йиғиб-териб олиш кизиб кетди. 1200 гектар ердаги гўзани дефляция қилдик. Яна 3-4 кун ичида машина теримини умумий равишда бошлаб юборамиз. Кечи билан йиллик пахта тайёрлаш планини 10 октябргача, социалистик мажбуриятни эса 25 октябргача бажарамиз.

Актив йиғилишида область колхоз ва совхозларида пахтадан юқори ҳосил етиштирилганлигини таъкидлаб, республиканин ушкан пахта хирмонини қўшишга астойдил бел белгиланганлигини, партия XXIV съездини меҳнатда катта муваффақиятлар билан натижаларга аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Юбилей йилида набосканликлар 90 минг тонна, кўргонтепаликлар 75 минг тонна, Ленин район пахтакорлари 75 минг тонна, Андижон району заршунослик 70 минг тонна, хўжаликлар 65 минг тонна, Москва району деҳқонлари 63 минг тонна, Балликчи району 60 минг тонна, Бўзқўлқуварлари 40 минг тонна «оқ олтин»ни давлат оморига тўкишга сўз берганлар. Буларнинг ҳаммаси жамланганда Андижон областининг ярим миллион тоннали улкан хирмони қад кўтаралди.

МУҚАДДАС БУРЧ

АНДИЖОН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Облаб партия активининг йиғилиши шу куннинг энг муҳим масаласини — республика партия активининг йиғилиши якуини ва область партия ташкилотини олдига турган вазифаларни таъминлаш масаласини таъкидлади. Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари В. Р. Раҳимов йиғилиш қатнашчиларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев иштирокиде Тошкентда республика партия активининг йиғилиши бўлиб ўтганлигини, бу катта йиғилишда ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистоннинг юбилей йилида давлатга олдин белгиланганидан 300-400 минг тонна кўп пахта сотишнинг улдасидан чиқа олишга ишонч билдирганини айтиди. Докладда область меҳнатчиларининг республикамиз бўйича олинган қўшимча мажбуриятга қандай ҳисса қўша олишлари мумкинлиги, уларнинг шу кеча-кундуздаги бу борадаги ишлари таҳлил қилиб берилди.

Музокарада сўзга чиққан Андижон район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Ёқубов. Бўз районоқоми раиси Т. Хожикосимова, Избоскан районидagi «Маданият» совхозини директори Н. Жураев, Левия районидagi Свердлов номи колхоз раиси А. Қорабоев, Балликчи район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи А. Со. биров, Хўжаобод районидagi «Россия» колхозини парткомининг секретари Н. Омонов ва бошқа ўртоқлар область меҳнатчиларини республикамизнинг 4 миллион 400 минг тоннаги улкан хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшишга астойдил бел белгиланганликлари, партия XXIV съездини меҳнатда катта муваффақиятлар билан натижаларга аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Юбилей йилида набосканликлар 90 минг тонна, кўргонтепаликлар 75 минг тонна, Ленин район пахтакорлари 75 минг тонна, Андижон району заршунослик 70 минг тонна, хўжаликлар 65 минг тонна, Москва району деҳқонлари 63 минг тонна, Балликчи району 60 минг тонна, Бўзқўлқуварлари 40 минг тонна «оқ олтин»ни давлат оморига тўкишга сўз берганлар. Буларнинг ҳаммаси жамланганда Андижон областининг ярим миллион тоннали улкан хирмони қад кўтаралди.

А. ҚҰРОНБОВ

Э Л Д А С Т У Р Х О Н И Г А

Республика областларида картошка, сабзавот, мева, полнз маҳсулотлари ва узум тайёрлашнинг

бориши тўғрисида 1970 йил 14 сентябрга бўлган
МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун тайёрланган картошка (тонна ҳисобида); учинчи стун — планининг бажарилиш проценти, тўртинчи стун — тайёрланган сабзавот (тонна ҳисобида), бешинчи стун — планининг бажарилиш проценти; олтинчи стун — тайёрланган мева (тонна ҳисобида), еттинчи стун — планининг бажарилиш проценти; саккизинчи стун — тайёрланган полнз маҳсулотлари (тонна ҳисобида); тўнзинчи стун — планининг бажарилиш проценти; ўнинчи стун — тайёрланган узум (тонна ҳисобида); ўн биринчи стун — планининг бажарилиш проценти.

Тошкент	20178	61,7	117571	58,8	22170	130,4	45670	69,2	10419	31,6
Сирдарё	246	24,6	6406	35,6	3982	99,6	103393	137,9	6335	37,3

Фарғона	5805	66,7	39871	79,7	6092	152,3	1683	18,7	2965	49,4
Наманган	1433	79,6	33638	105,1	4769	119,2	5452	77,9	4666	58,3
Андижон	729	145,8	38069	95,2	5795	144,9	6242	78,0	2634	52,7
Самарқанд	3983	54,4	65620	72,9	10023	130,2	6138	51,2	18762	50,7
Бухоро	8	—	15320	77,6	1436	143,6	11402	95,0	3768	41,9
Қашқадарё	516	51,6	17701	88,5	4282	107,1	4822	68,9	5647	70,6
Сурхондарё	1654	110,3	16603	106,7	2103	70,1	7161	102,3	4607	65,8
Хоразм	—	—	7081	64,4	356	118,7	7342	56,5	46	9,2
ҚК АССР	355	37,0	4947	45,0	688	34,4	5735	41,0	50	10,0

Республика бўйича:	37107	61,8	362427	71,5	61696	121,0	205040	89,1	59899	45,7
--------------------	-------	------	--------	------	-------	-------	--------	------	-------	------

